



Қилғучиман (Машраб ғазали)



Руҳи покини бу кун сўйи само килгучиман,
Ул газаблик подшоҳга ошно килгучиман.

Оташи ишк олдида жонинг олурдин гам ема,
Талх жонингни танингга нораво килгучиман.

Ман ўзум гассол ўлуб, ювсам керак жисмингни пок,
Нури иймонинг била кабринг зиё килгучиман.

Гўр ичи Мункар- Накир сўрса саволи бандалик,
«Роббим- Аллох»ни тилингга жо-бажо килгучиман.

Ул киёмат шиддатидан зарра бандам кўркмагин,
Номаи максудни илкиннга жо килгучиман.

Ул сирот остида дўзах деб паришон ўлмагил,
Пистанинг пўчогига дўзахни жо килгучиман.

Ул тарозу палласига солса аъмолинг сенинг,
Зарраи охим била журмунгни ло килгучиман.

Хашт дари жаннат юзиннга во килур бу Машрабо,
Хамнишини чорёри Мустафо килгучиман.

Шарх: Килгучиман

“Хадиси кудсий”да Тангри ўз пайгамбари оркали бандаларига шундай хитоб килади: Эй бандам, бугун мен пок рухингни баданингдан чикариб, самоларни сайр килдиргучиман, бу билан бутун оламларга Каххорлик этувчи бўлсам-да, ўзимга сени ошно килгучиман. Чунки сен менинг ердаги халифамсан.

Менгагина сигинсанг, мендангина мадад кутсанг, мухаббатинг факат Ўзимга бўлса, жон олувчи фариштага жонингни беозор олишини буюргучиман.

Танангни покловчи, жисми жонинг гассоли, кабриннга нур бергучи хам Ўзимман. Киёмат куни Дўзах вахдпати, пулсирот вахимасидан сира кўркмагин, мўмин бўлганинг учун Сиротдан ўтаётганинга дўзахни сенга кўрсатмаслик максадида уни хохласам вақтинчалик писта пўчогидек нарсага жойлаб кўйгучиман. Гунохкорлар ўтаётганда Дўзахни яна ўз аслига кайтаргучиман.

Кабрда Мункар ва Накир сени сўрокка тутганида тилингга «Роббим Аллох» калимасини айттиргучи хам Ўзимман. Тарози палласига хаётда килган савобу гунохдаринг тортиладиган кунда Менга килган ибодатинг, умид ва кўркувинг эвазига раҳматимдан бенасиб этмасман. Эй бандам, Менгагина ибодат кил, Мендангина мадад кут, шунда сени саккиз жаннат эшигининг энг аълосига киргизаман. Чахор ёрларга кўшни киламан. Ё Парвардигор, кулинг Машрабни хам дўстларинг сирасидан айла!

Раҳматуллох Носирнинг
"Соз билан суҳбат" китобидан